ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ОЛИМ



Андижон жаҳон тамаддунига юзлаб буюк зотларни етказиб берган муқаддас замин саналади. Оққан дарё оқаверади: бу юртда бугун ҳам улкан хизматлари билан республикамиз аҳлини лол қолдираётган нодир истеъдод соҳиблари талайгина. Улар орасида Иброҳимжон Асқаров номи алоҳида ажралиб туради.

Ёшлигиданоқ шуурини кимё фанининг сеҳрли олами чулғаб олган Иброҳимжон, ўрта мактабни олтин медаль билан битиргач, ҳеч иккиланмай Андижон давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетига йўл олди. Иброҳимжондаги истеъдодни илғаган кимё кафедраси мудири доцент Ғ.Ҳакимов бўлғуси олим қобилиятининг тўла рўёбга чиқишига раҳнамолик қилди: институтни имтиёзли диплом билан тугатган И.Асқаровни кимё кафедрасига ўқитувчи сифатида олиб қолди ва орадан кўп вақт ўтмасдан Тошкент Тиббиёт институти аспирантурасига юборди. Тиришқоқ Иброҳимжон ўзига билдирилган ишончни тўла оқлади: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессор А.Ғ.Махсумов раҳбарлигида “Ферроценнинг носимметрик диацетилен диэфирлари синтези ва улардан тиофен ҳосилаларини олиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини аспирантура муддатида ниҳоясига етказди. 1982-86 йилларда Россия ФАнинг элементоорганик бирикмалар кимёси илмий тадқиқот институтида “Металлоценлар асосида биологик фаол бирикмалар синтез қилиш” борасида илмий тадқиқотлар олиб борди. Тинимсиз изланишлари натижасида 1990 йилда “Ферроценнинг ароматик хоссаларини синтез қилиш ва уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлади.

И.Асқаров докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш биланоқ юқори малакали кимёгар олимлар тайёрлашга астойдил бел боғлади. Унинг раҳбарлигида шу кунга қадар 3 та докторлик, 12 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, И.Асқаров Ўзбекистон фанлари тизимида янги йўналишни тавсия этди: 1997 йилда “Товарларни кимёвий тартиби асосида таснифлаш ва сертификациялаш” йўналиши 02.00.22 тартиб рақами билан Республика кимё фанлари таркибига янги ихтисослик сифатида киритилди. Янги йўналишнинг ташаббускорлари профессорлар И.Р.Асқаров ва Т.Т.Рисқиевлар эканлиги Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида қайд этилди.

Иброҳимжон Асқаров кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар билан бирга таълим тизимида кимё фанини ўқитишни такомиллаштириш борасида ҳам баракали фаолият олиб бормоқда. Собиқ шўролар даврида СССР миқёсида ягона химия дарслиги мавжуд бўлиб, бу дарслик барча миллий республикаларда таржима қилинган ҳолда ўқитилар, маҳаллий материаллардан фойдаланиш имконияти чекланган, бунинг устига миллий республикалардаги таниқли кимёгар олимлар фаолияти четда қолар эди. Натижада ўзбек олимларининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссалари эътиборга олинмас, ўқувчиларда эса ўзбек фанига нописандлик кайфияти пайдо бўлар эди.

Мустақиллик шароитида “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши таълим тизимида туб бурилиш бўлди. Маҳаллий материалларга, маънавий қадриятларимиз ва миллий анъаналаримизга таянган янги типдаги дарсликлар ёзиш олимлар олдига энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. Бундан илҳомланган И.Асқаров ўз шогирдлари билан ҳамкорликда янги типдаги “Кимё” дарслигини ёзишга бел боғлади. Қисқа фурсатда яратилган ўрта мактабларнинг 7-,8-,9-синф ўқувчилари учун дарслик Осиё тараққиёт банки томонидан ўтказилган тендерда ғолиб деб топилди ва ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ тилларида бир неча милион нусхада нашр этилди. Мазкур дарсликда ўзбек олимларининг кимё фани равнақига қўшган ҳиссалари, Ўзбекистонда кимё фани ва саноатининг ривожланиши, унинг тарихий тараққиёти ишонарли далиллар асосида ёритиб берилди.

Профессор И.Асқаров, энг аввало, моҳир педагог, қарийб қирқ йилдан буён ёшларга кимё фанидан сабоқ беради: аввал ўн йилдан кўпроқ Андижон давлат тиббиёт институтида, 1988 йилдан Андижон давлат педагогика институти(ҳозирги Андижон давлат университети)да педагогик фаолият олиб бормоқда. Илм беришни ҳаётининг бош вазифаси деб билгани учун ҳам дарслари ҳамиша юксак савияда, минглаб шогирдлар дилида илмга муҳаббат уйғота олди, кимёнинг сирли оламига йўл очиб берди.

Иброҳимжоннинг ғайрат-шижоати, ташкилотчилик қобилиятини сезган институт ректори Акмал Қосимов уни кимё-биология факультети декани лавозимига тавсия этди. Қисқа фурсатда у факультетда ўқув-услубий, тарбиявий ишларни намунали даражага кўтарди, факультетни институтда етакчи мавқега олиб чиқди. Табиийки, ундаги ноёб бошқарувчилик қобилиятига кенгроқ доирада эҳтиёж туғилди: Иброҳимжон ўқув ишлари бўйича проректор лавозимига ўтказилди. Бу лавозимда ҳам бор ташкилотчилик санъатини ишга солди, институтда ўқув-услубий ишларни сезиларли жонлантирди.

Мустақил республикамизда илк бор Республика Давлат Божхона қўмитаси ташкил этилиб, унинг қошида Марказий Божхона экспертиза лабораторияси очилди. Лабораторияда четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ва хоссаларини аниқлаш лозим эди. Янги лабораторияни оёққа турғазиш, фаолиятини йўлга қўйиш учун йирик кимёгар олим ва моҳир ташкилотчи керак эди. Бу икки қобилиятни ўзида мужассам этган Иброҳимжонни лаборатория бошлиғи лавозимига таклиф этишди. У бу лавозимда кунларни тунларга улаб меҳнат қилди. Керакли кадрларни саралаб, жой-жойига қўйди. Лаборатория учун янги бино қурилишини лойиҳалаштиришга эришди. Ҳам олим, ҳам раҳбар, ҳам қурувчи сифатида бир оёғи лабораторияда, бир оёғи қурилишда бўлди. Тез фурсатда замонавий лаборатория биноси фойдаланишга топширилди.

Ўша даврда Республика Божхона қўмитаси Фарғона бўлими бироз оқсаётган эди. Уни оёққа тургизиш учун бирдан-бир номзод сифатида Иброҳимжон танланди. Бу вазифада ҳам виждонан фаолият кўрсатди. Республикада илк бор Божхона Академияси очилди. Унинг ишини йўлга қўйиш учун ўқув-услубий ишларни яхши биладиган таниқли олим бўлиши керак эди. Ана шундай шахс сифатида Иброҳимжон академиянинг ўқув ишларни бўйича ректор ўринбосари лавозимига ўтказилди. Янги академия фаолияти ҳам кўнгилгидагидек йўлга қўйилди. Сўнг Иброҳимжон ўз хоҳиш-истаги билан нафақага чиқди ва Андижон давлат университети Кимё кафедрасининг мудири лавозимига қайтди.

Профессор И.Асқаров илмий-тадқиқотларни амалиёт билан чамбарчас боғлаб олиб бормоқда. Масалан, болалардаги камқонлик касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш тиббиётда энг долзарб масалалардан бири. Бу муаммони ҳал қилишда кимё билан тиббиёт фанининг интеграцияси зарур. Шуни эътиборга олган И.Асқаров шогирдлари: кимё фанлари номзодлари С.Каримов, А.Акбаров, Ш.Қирғизов, Р.Абдурасуловлар билан тиббиёт фанлари доктори М.Ғаниева, тиббиёт фанлари номзодлари М.Мадаминов ва Г.Нуритдиновалар диққатини ана шу муаммога қаратди. Ҳамкорликда қилинган изланишлар ўз самарасини берди: болалар камқонлиги касаллиги ўз ечимини топди. Ёки Ўзбекистон шароитида ғўза ва бошқа ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш ҳамда ҳосилдорликни ошириш энг муҳим масала саналади. Шу масалани ижобий ҳал қилиш учун биология фанлари доктори профессор Т.А.Мадумаров билан ҳамкорликда МАКСИТ номли биостимуляторнинг янги авлодини яратишга киришдилар. Янгиликка интилиш, янгилик яратиш И.Асқаров табиатининг белгиловчи хусусияти: у кимё фанига киритган янгиликлари учун 12 та ихтирочилик патентини олди, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационализатор" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, И.Асқаров кимё ва тиббиёт фанларининг ютуқларидан фойдаланган ҳолда халқ табобати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг қўлидан минглаб беморлар шифо топиб, меҳнат жараёнига қайтдилар. И.Асқаров томонидан яратилган "Ўзбекистон", "Шифои Марҳабохон", "Мажмуи Шифо" номли шифобахш табиий бирикмалар ошқозон яраси, бош мия ўсмаси каби оғир касалликларни даволашда ишлатилмоқда. Халқ табобатини ривожлантиришдаги катта ҳиссаси эътиборга олинган ҳолда, у Ўзбекистон халқ табобати академияси илмий кенгаши раиси этиб сайланди.

Иброҳимжон Асқаров қайси соҳада, қандай лавозимда ишламасин, ҳамиша ўзига топширилган ишга масъулият билан ёндашиб келди ва шу фазилати билан эл ўртасида катта обрў-эътибор топди. Инсон учун бундан улуғроқ бахт бўлмаса керак.

Бугун Иброҳимжон ўзининг 60 йиллик санасини янги-янги илмий-амалий режалар билан кутиб олмоқда. Биз ана шу режаларнинг ушалиши йўлида унга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, катта оилавий бахт-саодат тилаб қоламиз.

Абдулҳамид Нурмонов,
филологтя фанлари доктори, профессор
Тўхтасин Насриддинов,
киме фанлари номзоди, доцент